

63 - الْحَامِسُ: عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «عَزَا نَبِيٌّ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ صَلَوَاتُ اللَّهِ وَسَلَامُهُ عَلَيْهِمْ، فَقَالَ لِقَوْمِهِ: لَا يَتَّبِعُنِي رَجُلٌ مَلَكَ بُضْعَ امْرَأَةٍ وَهُوَ يُرِيدُ أَنْ يَبْنِي بِهَا وَلَمَّا يَبْنِ بِهَا، وَلَا أَحَدٌ بَنَى بَيْتًا لَمْ يَرْفَعْ سُقُوفَهَا، وَلَا أَحَدٌ اشْتَرَى عَنَمًا أَوْ خَلِيفَاتٍ وَهُوَ يَنْتَظِرُ أَوْلَادَهَا.

فَعَزَا فَدَنَا مِنَ الْقَرْيَةِ صَلَاةَ الْعَصْرِ أَوْ قَرِيبًا مِنْ ذَلِكَ، فَقَالَ لِلشَّمْسِ: إِنَّكَ مَأْمُورَةٌ وَأَنَا مَأْمُورٌ، اللَّهُمَّ؛ احْسِنَا عَلَيْنَا، فَحَسِبْتُ حَتَّى فَتَحَ اللَّهُ عَلَيَّ، فَجَمَعَ الْعَنَائِمَ، فَجَاءَتْ - يَعْنِي النَّارَ - لِتَأْكُلَهَا فَلَمْ تَطْعَمَهَا، فَقَالَ: إِنَّ فِيكُمْ غُلُولًا، فَلْيُبَايِعُنِي مِنْ كُلِّ قَبِيلَةٍ رَجُلٌ، فَلَزِقَتْ يَدُ رَجُلٍ بِيَدِهِ فَقَالَ: فِيكُمْ الْغُلُولُ، فَلْتُبَايِعُنِي قَبِيلَتِكَ، فَلَزِقَتْ يَدُ رَجُلَيْنِ أَوْ ثَلَاثَةٍ بِيَدِهِ فَقَالَ: فِيكُمْ الْغُلُولُ، فَجَاءُوا بِرَأْسٍ مِثْلِ رَأْسِ بَقْرَةٍ مِنَ الذَّهَبِ، فَوَضَعَهَا، فَجَاءَتْ النَّارُ فَأَكَلَتْهَا، فَلَمْ تَحِلَّ الْعَنَائِمُ لِأَحَدٍ قَبْلَنَا، ثُمَّ أَحَلَّ اللَّهُ لَنَا الْعَنَائِمَ، لَمَّا رَأَى ضَعْفَنَا وَعَجْزَنَا فَأَحَلَّهَا لَنَا» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 3124، م 1747].

«الْخَلِيفَاتُ» بِفَتْحِ الْخَاءِ الْمُعْجَمَةِ وَكَسْرِ اللَّامِ: جَمْعُ خَلِيفَةٍ، وَهِيَ النَّاقَةُ الْحَامِلُ.

63. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «Анбиёлардан бири (Уларга Аллоҳнинг салавоту саломлари) ғазотга чиқди. Қавмига: «Бирор

аёлни никоҳига олиб, унинг ёнига кирмоқчи бўлган-у, ҳали ёнига кирмаган киши; уйлар қуриб, ҳали шифтини кўтармаган киши; бир сурув қўй ёки бўғоз туялар сотиб олиб, уларнинг туғишини кутиб турган киши менга эргашмасин», деди. Сўнг ғазотга чиқди. Шаҳарга аср намози ёки шунга яқин пайт яқинлашди. Қуёшга: «Сен ҳам буюрилгансан, мен ҳам буюрилганман. Аллоҳим, уни биз учун ушлаб тур», деди. Шунда (қуёш) ушлаб турилди. Ниҳоят, Аллоҳ унга фатҳ берди. У ўлжаларни тўплади. Шу пайт у - яъни олов* - буни егани келди, лекин емади. Шунда у (набий): «Аниқки, орангизда ўлжага хиёнат бор. Ҳар бир қабиладан бир киши менга байъат берсин», деди. Бир кишининг қўли унинг қўлига ёпишиб қолди: «Хиёнат сизларда экан. Қабиланг менга байъат берсин», деди. Шунда икки ёки уч кишининг қўли унинг қўлига ёпишиб қолди: «Хиёнат сизларда экан», деди. Улар сигирнинг бошидек тилла олиб келиб, қўйишди. Сўнг олов келиб, уни еди. Биздан аввалгилардан бирортасига ўлжалар ҳалол қилинмади. Сўнгра Аллоҳ ўлжаларни бизга ҳалол қилди. Бизнинг заифлигимиз, ожизлигимизни кўргач, уни бизга ҳалол қилди».

Муттафақун алайҳ. [Б, 3124. М, 1747]

Шарҳ: Аввалги пайғамбарларнинг шариатида қўлга киритилган ўлжани олиш ҳалол бўлмаган. Ўлжа бир жойга тўплаб қўйилар, агар унга хиёнат аралашмаган бўлса, осмондан олов келиб, уни ер, акс ҳолда емас экан.

Имом Нававий айтдилар. «Қуёш ушлаб турилиши Пайғамбарларнинг мўъжизаларидандир. Қуёш ушлаб турилиши Ювшаъ ибн Нун алайҳиссаломда содир бўлган деб айтилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломда ҳам икки марта қуёш ушланиб қолган. Биринчиси Ҳандақ куни намоздан машғул бўлиб қолишганда Қуёш ботган. Аллоҳ таоло уни ортга қайтарганида асрни ўқиб олишган. Буни имом Таҳовий зикр қилганлар. Унинг ровийлари ишончли. Иккинчиси Исро тонгида Қуёш чиқар пайти карвон етиб келишини кутилган пайтда содир бўлган. Буни Юнус ибн Букайр «Сийрати ибн Исҳоқ»га битган зиёдасида зикр қилган».

Бу нарсага Қуръонда келган зоҳир оят ҳам далолат қилади.

«У кимсалар: **«Албатта Аллоҳ бизларга бирон пайғамбар то бир қурбонлик атаб, уни (осмондан тушган) олов еб (яъни ёндириб) кетмагунча унга иймон келтирмаслигимизни буюрган»** дедилар» (Оли имрон сураси, 183-оят).

Ибн Исҳоқ ҳикоят қилган хабар ҳам далолат қилади. «Улар тортишиб қолишганида ораларида олов ҳукм қилар, яъни золимни ер ва мазлумга зарар бермас эди. Аллоҳ бу нарсаларнинг барини ушбу умматдан кўтариб ташлади. Ушбу умматга раҳм айлаб, ўлжа ва қурбонликларни ҳалол қилди.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI